

**САВОЛ:** Ассалому алайкум, Хазрат! Кеча «Марям» сурасини ўқиётганимизда куйидаги изоҳга дуч келдик:

«Биз уни юксак макомга кўтардик». Изоҳ: Идрис алайхиссаломнинг бу оятда юксак мартабага кўтарилишларини баъзи олимлар «Набийлик макоми» ёки «тўртинчи осмонга чикиб кетганликлари» десалар, бошқалари «жаннатга кўтарилиб кетганлари», дейдилар. Меърожга тааллуқли хадисда жаноб Расулуллох тўртинчи осмонда Идрис (алайхиссалом)ни кўрганлари накл килинган. «Мадорик» тафсирида шундай дейилади: «Хасан Басрий айтурларки, Идрис (алайхиссалом) ибодатга шунчалик берилиб кетган эканларки, барча фаришталар уни яхши кўриб колган эканлар. Ўлим фариштаси Аллохдан изн сўраб унинг зиёратига борган экан. Бориб ўзини танитгач, Идрис (алайхиссалом) унга: «Менга бир ўлим аччигини торттиргин», дебдилар. У рози бўлибди. Кайта тирилгач, «Энди бир дўзахга хам солиб-чикар», дебдилар. Фаришта бу илтимосларини хам бажарибди. «Энди жаннатга хам бир олиб кир», дебдилар. Киргач, кайтиб чикишдан бош тортибдилар. Фаришта кистаб чикармокчи бўлганида, айтибдилар: «Ўлимни тотдим, дўзахга кириб чикдим. Жаннатга кирганлар эса кайта чикарилмагайлар», дебдилар. Фаришта Аллохга арз килган экан, У: «Бу ишлар хаммаси Менинг изним билан бўлди. Кўй, кўзгама уни, жаннатда колаверсин», деган экан. Бу ривоят кадимдан машхур эди. Тафсирларда хам бор. Мана шуни ўкиб, бир савол пайдо бўляпти: Жаннатга биринчи бўлиб кирадиган зот – бу Расулуллох (соллаллоху алайхи васалламдир)лар. Аммо Идрис (алайхиссалом) эса хозир жаннатда эканлар, бу кандай бўлди?

**ЖАВОБ:** Бисмиллахир рохманир рохийм

Идрис (алайхиссалом) хакларида сиз эслаб ўтганга ўхшаш турли ривоятлар бор. Лекин у киши хакидаги маълумотларни Куръон ва хадисдан олганимиз энг ишончлиси бўлади. Расулуллох (алайхиссалом) Идрис (алайхиссалом)ни меърож кечаси тўртинчи осмонда кўрганлари хакидаги хадис сахиҳдир. Агар тўгри ёки тўгри эмаслигини билмаган нарсамиз хакида гапирадиган бўлсак, нотўгри иш килган бўламиз. Куръони Каримда зикр килинган Набийларнинг Одам Атодан кейинги энг кадимгилари Идрис (алайхиссалом)дирлар. Аллох таоло у зот хакларида «Марям» сурасида мархамат килиб куйидагиларни айтади:

«Ва китобда Идрисни эсла. Албатта, у сиддик ва Набий бўлган эди. Ва уни олий макомга кўтардик» (56-57 оятлар).

Шунингдек, «Анбиё» сурасида:

«Ва Исмоил, Идрис ва Зул-кифлни эсла. Уларнинг хар бири сабр килгувчилардандир. Ва уларни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солихлардандир» (85-, 86-оятлар), дейди.

Куръони Каримда Идрис (алайхиссалом) хакларида бундан бошка маълумот йўқ. Ушбу зикр этилган ояти карималарда Идрис (алайхиссалом)нинг бир неча сифатлари зикр килинмокда:

1. Сиддиклик.
2. Набийлик.
3. Олий маком сохибилиги.
4. Сабр килувчилик.

5. Аллохнинг раҳматига кириш.

6. Солихлик.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, Идрис (алай-хиссалом)нинг насаблари Одам алайхиссаломнинг ўгиллари Шийс алайхиссаломга етиб боради. У кишининг оталарининг исми Ёрид, боболарининг исми Маълоил бўлган. У кишига Одам ва Шийс алайхиссаломлардан кейин учинчи бўлиб Набийлик берилган.

Машхур тарихчиларимиздан Ибн Исхок (рахма-туллохи алайхи)нинг таъкидлашларича, Идрис (алайхиссалом) калам билан ёзув ёзган биринчи одамдирлар.

Уламоларнинг рожих гапларига караганда Идрис (алай-хиссалом) Бобилда таваллуд топганлар. Аввал бош-да Шийс (алайхиссалом)да бўлган илмни ўрганганлар. Кейинчалик Аллох таоло у зотга набийликни берган.

У киши Набий бўлганларидан кейин кишиларни Одам ва Шийс (алайхиссаломлар) шариатига даъват қилганлар. У кишининг даъватларини озчилик қабул қилган, холос. Шунда у зот ўзларига эргашганлар билан Бобилни тарк этиб, хижратга чиққанлар. У киши хижратлари учун Мисрни танлаганлар. Мисрда турган пайтларида одамларни динга даъват қилганлар.

Идрис (алайхиссалом) биринчи бўлиб маданий ишларни йўлга қўйганлар, одамларга маданиятга оид ишларни, конун-қоидаларни ўргатганлар. У кишининг даврларида 188 та шаҳар қурилган экан.

Идрис (алайхиссалом) ўз хикматлари ила машхур бўлганлар. Ровийлар Идрис (алайхиссалом)дан асар бўлиб қолган баъзи хикматларни ҳам келтирадилар:

«Дунёнинг яхшиси хасратдир. Ёмони надомат-дир».

«Бахтиёр – ўзига назар солган кишидир. Унинг Рабби хузуридаги шафоатчиси – амали солихидир».

«Сабр иймон ила бўлса, зафар келтиради».

Идрис (алайхиссалом)нинг ер юзидаги истико-матлари саксон икки йил бўлган. Идрис (алайхис-салом)нинг жаннатга кириб, у ерда қолганлари хақидаги гаплар илмий асосга эга эмас. Дархақиқат, барча ишончли манбаларда таъкидланишича, жаннатга энг аввал қирадиган Зот Расулуллох Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) бўладилар. Валлоху аълам.